

Муминов Н.Г.

ЎзМУ Макроиқтисодиёт кафедраси  
доценти

# ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА МАСОФАЛИ ҮҚИТИШНИНГ ЎРНИ: ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ<sup>1</sup>

**Масофали таълим<sup>2</sup> (МТ) ҳозирги кунда анъанавий усуллар ва шакллар билан бир қаторда, үқитишнинг классик усулларини тўлдирган ҳолда таълим соҳаси мутахассисларининг эътиборларини жалб қилиб бормоқда. Таълим хизматларининг жаҳон бозорида масофали үқитиш шакллари йилдан-йилга ўсиб бормоқда.**

Агар 3-4 йил олдин масофали үқитиш курслари борасида статистик маълумотлар асосан Европа ва АҚШ олий таълим муассасалари бўйича келтирилган бўлса, ҳозирги кунда турли мамлакатларнинг кўпчилик қисми, шу жумладан МДҲ мамлакатларида ҳам, масофали үқитишнинг турли шаклларидан кенг фойдаланиб бормоқдалар.

Масофали үқитиш тизимининг ривожланиш тенденцияси компьютер ва Интернет-технологияларнинг оммавийлиги билан боғлиқ вақтинчалик ҳодиса эмас. Дунёнинг замонавий ҳолати узлуксиз касбий такомиллашувни, қўшимча таълимни ва жадал янгиланаётган маҳсус билимларни эгаллашни тақазо қилмоқда. Бундай интенсив тизимили таълим олишни меҳнат фаолияти билан тўлиқ банд бўлган ҳолатда биргалиқда олиб бориш инсон учун жуда мушкулдир. Бундай шароитда муаммонинг ягона ечими сифатида таълим ёки малака оширишнинг масофали шакли ўрганилмоқда. Барча мамла-

катларда анъанавий таълим тизимига масофали таълимни жадал интеграциялашувининг сабаби ҳам шундадир.

Масофали таълим тизимини жаҳонда жорий этилишининг юқори суръатлари замонавий ахборот-коммуникацион технологияларнинг тараққиёти билан боғлиқдир. Ахборот алмашуви соҳасидаги ҳар бир янги ишланма таълимга ўқув жарайёни доирасида ўзаро таъсир кўрсатувчи самарали шаклларни тақдим этмоқда. Таълим тизими учун мўлжалланган юқори технологияли услубларнинг йиғиндиси янги турдаги таълимни ривожини кафолатламайди. Масофали үқитиш, ҳар қанақа анъанавий педагогик технология каби ўзининг асосида аниқ белгилangan таркибий тузилмага эга бўлиши керак. Таълим тизимига қўйидагилар кирган бўлиши шарт: таълим жараёни иштирокчилари; улар ўртасидаги муносабатларнинг қоидалари; үқитиш, назорат қилиш, ҳисобот ва фойдаланилаётган ўқув шаклларининг йиғиндиси. Айнан таълим бошқарувининг<sup>3</sup> самарали тизимининг мавжудлиги - масофали үқитиш жараёнини муваффақиятли ташкил этишга имкон беради. Бу ҳолатда такомиллашган масо-

1 Мақоланинг биринчи қисми. Давоми кейинги сонларда.

2 Масофали таълим (электрон таълим, e-learning) – үқитувчи ва тингловчи ўртасида узоқ масофа бўлган ҳолда, ахборотни алмашиш, назорат қилиш ва бошқаришнинг замонавий ахборот-коммуникацион воситаларга асосланган ҳолда таълим жараёнини ташкил этиш усули.

3 Таълимни бошқариш тизими – ўқув жараёнини самарали ташкил этиш учун педагогик ва техник восита ва услубларнинг жамланмасидир.

фали электрон тизим - таълим учун әнг за-  
пур восита ва компонент ҳисобланади.

Масофали таълим соҳасидаги кўпчилик етакчи муассасалар ушбу таълим соҳасидаги қатор методик, услубий ва ташкилий муаммолар ва хатоликларни енгиб ўтганлар. Етакчи университетларнинг масофали курслари турли технологик платформаларга асосланади, ўзининг ташкилий ўқитиш схемаларига эга ва турли категориядаги тингловчиларга мўлжаллангандир. Уларнинг ҳар бирини муваффақияти ўқитишнинг ташкил этиши тўғри танланган стратегия билан баҳоланади.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра масофали ўқитиш бозорининг ҳажми 2014 йилга келиб 49.6 миллиард долларни ташкил этади. Аммо бу ўсиш маълум бир чегараларга эгадир. Масофали курслар бўйича кўп йиллик малакага эга етакчи университетларнинг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, узоқ масофадаги курсларнинг улуши барча курсларнинг умумий ҳажмида 50%дан ошиб кетмаслиги даркордир. Ўқитишда масофали шакллар билан анъанавий шаклларни қўшиб фойдаланиб аралаш курсларни ташкил этилиши юқори самара беради. Бу усуслан фойдаланиш масофали курсларга ўқишга кирганлар ва уни тугатаётганлар ўртасидаги катта фарқни қисқартириш имконини беради. Статистик маълумотларга кўра бу фарқ аксарият ҳолларда 70%ни ташкил этади.

Жаҳонда масофали таълим бозорида әнг илғор ўринни АҚШ эгаллаган: унинг зиммасига дунёдаги барча масофали таълим курсларининг асосий қисми тўғри келади. Иккинчи ўрин - қиймат кўринишида, Европа мамлакатларига тегишлидир. Аммо, яқин йилларда етакчи ўринларни Осиё ёки Шарқий Европа мамлакатлари эгаллашлари мумкин, шу ҳудудларда масофали ўқитиш ҳажмининг йиллик ўсиш суръатлари жуда юқоридир – 30%дан ошиқ.

**АҚШда масофали ўқитиш.** АҚШда масофали ўқитишни анча олдин бошланган-лигининг самараси ҳар тўртинчи американлик ҳеч бўлмаганда битта масофали курсни тугатганлиги билан изоҳласа бўлади.

Таълимнинг бу йўналиши мамлакат ҳукумати томонидан қўллаб-қувватланиб келинмоқда. Электрон таълим<sup>1</sup> учун давлат грантлари, федерал дастурлар ва кредитларнинг ривожланган тизимининг мавжудлиги кўпчилик университет ва коллежларни масофали ўқитиш бўлимлари очилишига олиб келди. Шуни қайд этиш керакки, таълим муассасалари масофали ўқитиш ҳуқуқини олишлари учун назорат қилувчи ва рухсат берувчи органлар тизимидан ўтишлари зарур. Мураккаб текширув ва таҳлиллар натижасида таълим муассасаси ўз масофали курси аккредитациясига ҳужжат оладилар.

Масофали ўқитиш соҳасида қуйидаги йирик давлат ўқув муассасалари етакчи ҳисобланадилар: Пенсильвания Университети, Мэриленд Университети, Массачусетс Университети (UMassOnLine). Уларнинг ҳар бири ўртacha 40 га яқин бакалавр ва магистр даражасини олиш бўйича таълим дастурларини таклиф қилишади, ушбу курсларни анъанавий шаклда ва тўлиқ масофали шаклда ўтиш мумкин.

Пенсильвания университетининг масофали ўқитиш тажрибаси алоҳида эътиборга лойиқdir. Унинг ўқитиш самардорлиги дунёдаги әнг юқориладан биридир. Пенсильвания университетида масофали ўқитишни ташкил этиш тизими, унинг шакллари ва услублари, ривожланиш стратегияси электрон таълим бўйича барча экспертларнинг ўрганиш обьекти бўлиб хизмат қилди. Унинг тажрибаси ЮНЕСКОнинг таълимда ахборот технологиялари бўйича институти мутахассислари томонидан виртуал университет концепциясини яратишда фойдаланилди.

Америка университетлари профессорлари ассоциацияси маълумотларига кўра олий мактаб ўқитувчиларининг 70%дан ошиғи ўриндошлик асосида ёки тўлиқсиз штатда ишлайдилар. Онлайн таълими<sup>2</sup> соҳасида ушбу штатдан ташқари ўқитувчиларнинг улуши сезиларли дарражада юқоридир, чунки турли тижа-

1 Электрон таълим – масофали таълимни анатлатади

2 Онлайн таълими – Интернет ёрдамида ўқитиш, бу ибора кўпчилик ҳолларда реал воқеилиқда Интернет ёрдамида ўқитишни англатади.

рат ўқув марказларидағи электрон таълим бериш дастурлари ўриндошлиқ асосида фаолият юритишга имкон туғдиради. Аммо университетларнинг асосий штатдаги ўқитувчилари масофали курсларда ўқитишда қатнашишни ҳохламайдилар. Бириңчидан, ушбу курслар учун алоҳида электрон материаллар тайёрлаш керак. Иккинчидан, штатдаги ўқитувчилар масофали курсларни ривожлантириш орқали масофали ўқитувчилар каби рақобатчиларни ривожлантираётганликларини тушуниб етдилар. Бунда шунитаъкидлаш керакки, штатда бўлмаган ўқитувчининг обрўси ва мавқеи сезиларли даражада паст бўлади. Университетлар маъмурияти фаолият юритаётган штатдаги ўқитувчиларни ўқитиш ўрнига он-лайн курсларига бу соҳада фаолият юритиш тажрибасига эга мутахассиларни таклиф қилишади. Тахмин қилинмоқдаки, яқин давр ичидаги ҳар бир мутахассислик бўйича фақат масофали ўқитадиган ўқитувчилар категорияси шаклланади, шу сабабдан уларнинг ижтимоий статусини ошириш бўйича чоралар кўрилмоқда.

АҚШда масофали таълим олиб боришининг дастурий асослари(платформалари) нинг турли-туманлиги масофали таълимни бошқариш тизимида меъёрлар ва стандартларни киритиш заруратини келтириб чиқарди. Ҳозирги кунда энг машҳур ва кенг тарқалган платформаларга **Moodle** тизими ва қимматбаҳо **Blackboard** киради.

Америкалик масофали таълим соҳасидаги мутахассисларнинг фикрига кўра ўқитишда ягона технологик стандартни ишлаб чиқилиши таълимнинг электрон ресурсларининг<sup>1</sup> ягона бозорини яратишга имкон беради.

АҚШдаги масофали ўқитишга киритилган энг машҳур ва самарали янгилик – бу Web 2.0, кўпчилик фойдаланувчиларга Интернетда интерфаол фойдалишга имкон берувчи веб-илова<sup>2</sup>. Бу ўқитувчиларнинг кўпгина блогларини яратилишига асос

<sup>1</sup> **Ресурс, ахборот ресурси, электрон ресурс** – ўқитилаётган шахснинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган ахборотни олишни самарали ташкил этилган маълумотлар жамланмаси.

<sup>2</sup> **Веб-илова** – веб-сайт вазифаларини ечиш учун тайёрланган дастурий комплекс

бўлди. Ўқитувчиларнинг блоги<sup>3</sup> бугунги кунда ўқитувчи ва таълим оловчи ўртасидаги энг фаол таъсир кўрсатувчи шакллардан биридир. Таҳлилчилар яқин келажақда Web 2.0<sup>4</sup> ёрдамида ўқитиш муҳим аҳамиятга эга бўлишини тахмин қилишмоқда.

АҚШдаги таълим муассасаларининг ҳаммаси ҳам масофали ўқитиш соҳасида муваффақиятга эришганлари йўқ. АҚШдаги масофали ўқитиш меъёрий-ҳуқуқий жиҳатдан яхши регламентлаштирилганлиги сабабли, назорат қилувчи орғанлар томонидан университетларга нисбатан масофали курсларга қабул қилиш, ўқитиш ва сертификатлаш қоидаларини бузганлеклари учун жарималар солиш ҳолатлари вақти-вақти билан юзага келиб туради. Аkkредитациядан ўтган ва реклама қилинаётган курсларни ёпилишига олиб келаётган ҳолатларга кўплаб мисоллар мавжуд. Муваффақиятсизликнинг бундай мисоллари бошқа ўқув марказлари учун намуна бўлиб хизмат қилади ва уларнинг масофали ўқитиш борасидаги фаолиятини такомиллаштиришга ундейди.

Битта тингловчини масофали ўқитиш харажатлари анъанавий ўқитишдан ўртacha 15-25%га арzonдир. Қийматнинг сезиларли арzonлашуви амалга ошмаяпти, чунки бу қийматнинг асосий улуши ўқитувчиларнинг иш ҳақи ва инфратизилмани сақлашга тўғри келади. Ўқитиш қийматининг пасайиши асосан ўқув аудиторияларини сақлаш зарурати йўқлигидан келиб чиқиши мумкин.

АҚШда очиқ таълим тизими жуда машҳур бўлиб бормоқда. Бу тизим барча ҳохловчиларга унинг бошланғич би-

<sup>3</sup> **Блог** (ингл. blog, «web log», тармоқ журнали) – матнга, тасвир ёки мультимедиага эга бўлган, мунтазам равиша ёзувлар қўшиб бориладиган веб-сайт. Блогларга вақти аҳамиятга эга бўлган қисқа ёзувлар хосдир, ёзувлар тескари хронологик тартибда (охирги ёзув энг юқорида) жойлаштирилган бўлди. Ҳусусияти: блоглар кўпчилик ҳолларда оммабоп бўлиб, четдан келиб қўшилганларни муалиф билан баҳслашувини (блогоёзувга изоҳ беришда ёки ўзининг блогида) мумкинligини назарда тутади.

<sup>4</sup> **Web 2.0** – тизимларни лойиҳалаштириш методикиси бўлиб, фойдаланувчиларни сони кўпайиши эвазига тармоқлараро муносабатлар ҳисоби ошиб бориши унинг яхшиланишига олиб келади. Web 2.0.нинг ҳусусияти – эълон қилинаётган материални ҳақиқийлигига интилиш орқали фойдаланувчиларни жалб этишdir.

лим даражасини текширмасдан, масофали ўқитиш асосида керакли билимларни эгаллашга имкон беради. Очық масофали курслар<sup>1</sup> тингловчига индивидуал ёндашувда, үзиге қулай суръатларда ўқиш имконини беради. Ҳозирги кунда электрон таълим иловаларини ва ҳатто университет курсининг түлиқ пакетини (ўқув режа, маъruzalар, рўйхатдан ўтиш иловалари, китобларнинг электрон вариянтлари, методик қўлланмалар ва бошқ.) iPhone, планшет ПК ва бошқа шу каби воситаларда жойлаштириш имкони мавжуд. Бу эса ўз навбатида тингловчиларни том маънода мобил бўлишига олиб келди, профессорларнинг энг яхши маърузаларини эса кенгроқ аудитория кўриши ва ўрганиши мумкинdir, ва бу аудиторияни виртуал аудитория<sup>2</sup> деб аташ мумкин. Америкалик мутахассислар текин онлайн-маъruzalар истемолчиларга бошқа масофали ўқитиш хизматларини сотиб олишга рағбатлантиради. Аммо ҳануз, АҚШнинг кўпгина университетлари ўз материалларини очық фойдаланишга жойлаштиришга ҳошишлари йўқ.

Масофали ўқитиш соҳасида катта ва узоқ муддатли тажриба бўлишига

қарамасдан, АҚШда ҳанузгача масофали усулга олинган билимлар сифати тўғрисида баҳслар давом этмоқда. Олимлар ушбу мавзуда минглаб тестлар ва изланишлар олиб боришиди. Натижаларни кўрсатишича, кўпчилик ҳолларда масофали курслар ва аудиторияда ўтказилган машғулотлар натижалари орасида сезиларли фарқ йўқdir. Ҳаттоки шундай кўрсаткичлар мавжудки, масофали таълим олаётганларнинг натижалари анъанавий усуlda, бевосита ўқитувчи билан таълим олаётганларнидан юқорироқdir. Бунинг сабаби, масофали курсларни кўпчилик ҳолларда мустақил ўзлаштириш қобилияти юқори бўлганлар танлайди, уларнинг ўзлаштириши ҳам масофали ўқитиша, ҳам анъанавий ўқитиша юқори бўлади.

АҚШда масофали таълим шаклларининг сон ва сифат жиҳатдан жадал ривожланиб бориши, аҳолининг таълим олганлигининг умумий даражасини ўсишига олиб келди, ҳамда дунёning турли мамлакатлари тингловчиларига американинг етакчи университетларининг дипломларини олиш имконини берди.

### Адабиётлар рўйхати:

1. E-Learning Myths, Challenges, and Benefits by Jacques LeCavalier and Bill Tucker
2. Common Misconceptions about E-Learning: What Makes E-Learning Challenging? by Curt Bonk, Associate Instructor of Indiana Univ.
3. Давыдова Л.П. Организация самостоятельной работы студентов-заочников. М., 1985. 212 с.
4. Научно-аналитический обзор "Состояние и перспективы развития дистанционного образования в системе подготовки и переподготовки слушающих государственного управления Российской Федерации" / Под ред. С.К.Лазаревой. НОУ "СГИ". М., 1999.
5. Тихомирова Е.И., Бердникова М.Л. Проект дистанционного центра обучения в сети Internet по информационным технологиям в экономике. Концепции и технологии дистанционного обучения по гуманитарным дисциплинам. Сборник статей. Уфа. 1999. 14 апреля.
6. [www.dist-edu.ru](http://www.dist-edu.ru)
7. [www.hse.ru](http://www.hse.ru)
8. <http://biro.ufanet.ru>
9. <http://kampi.kcr.ru>

1 **Очиқ масофали курслар** – очық таълим беришда фойдаланиладиган таълим дастурлари

2 **Виртуал аудитория** – турли географик пунктлардаги тингловчилар электрон воситалар ёрдамида кўрсатма олиш учун ёки умумий бошқарув мақсадида бирлашадилар.